## ҚИММАТГА ТУШГАН ИШОНЧ

Андижон вилоят суди Ойша Раҳмоновани фирибгарлик ва одам савдоси билан шуғулланиб қилган жиноятлари учун узоқ муддатга озодликдан маҳрум этди.

2 бет

## ҚИМОР — ШАЙТОН АМАЛИ

«Қимор – пул ёки буюм тикиб ўйналадиган ҳар қандай ўйин!» Қуръони каримда қимор «шайтон амалидан бўлган ҳаром ишдир» деб таърифланади.

3 бет

## ФАРЗАНДЛИККА ОЛИШ ТАРТИБИ

Фарзандликка олиш тўғрисидаги ҳар бир маълумот оилавий сир ҳисобланади ва унинг сир сақланиши қонун билан ҳимоя қилинади.

4 бет

## ҲАРОМ ЛУҚМА

– Мен уни яхши кўрардим, ўлдиримокчи эмасдим, - йиғлади Сардор.

Бўлиши мумкин. Аммо у чин дилдан яхши кўрган одамини ўлдириб кўйган эди...

10 бет


Mustaqillik huquq demakdir

# Huquq

1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan

2007-yil 17-may, № 20 (541)

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI BOSH PROKURATURASINING NASHRI


Парламентда

## ЛОЙИҲАЛАР МУҲОКАМАСИ

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни Қонунчилик палатаси спикери Эркин Халилов олиб борди. Депутатлар мажлис кун тартибига киритилган «Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида»ги (Маъмурий процедуралар тўғрисида) ва «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари лойиҳаларини муҳокама қилдилар.

Кейинги йилларда мамлакатимизда олиб борилган ҳуқуқий ислоҳотлар натижасида ҳуқуқий давлатга хос бўлган кўпгина янги муассасалар вужудга келди. Давлат маъмурий-бошқарув органларининг ваколатлари эса тобора мукаммаллаштирилди. Бу эса маъмурий тартиб-таомилларни қатъий белгилаб қўйишга эҳтиёж туғдирди. Айнан шу нуқтаи назар мажлис кун тартибига киритилган биринчи масала юзасидан сўзга чиққан Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари Собир Жабборовнинг маърузасида ҳам қайд этиб ўтилди. Депутатлар ушбу қонун лойиҳаси юзасидан ўз фикрларини билдирдилар. Муҳокамада депутатлар Муҳаббат Абдуллаева, Хондамир Ҳакимов, Анвар Шукуров, Фахриддин Ражабовлар иштирок этдилар. Улар ушбу қонун лойиҳаси давр талабига ҳозиржавоблик билан тайёрланганлигини, қонун айрим органларга маъмурий ваколатларни бериши айнан «кучли давлатдан кучли жамиятга» тамойилига мос келишини таъкидладилар. Шунингдек, ушбу қонуннинг қабул қилиниши фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда янги имкониятлар вужудга келтиришини қайд этдилар. Қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда қабул қилинди.

Кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси аъзоси А. Жўрабоев маъруза қилди. Бўлиб ўтган муҳокамадан сўнг қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинди.

**(Ўз мухбиримиз)**

Учрашув

## БЎЛАЖАК ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

***Журналистика. Дунёда ушбу соҳа вакиллари аралашмаган жараённи топиш жуда қийин бўлса керак. Тараққий этаётган дунёда ҳар қандай воқеа борки, журналистнинг эътиборидан четда қолмайди. Шу боис ҳам журналистиканинг тобора ривожланиб бораётгани табиийдир.***

Мамлакатимизда ҳам мазкур соҳа жадал илгарилаяпти. Ҳукумат томонидан соҳа ривожи учун талай ислоҳотлар амалга оширилаётган бир пайтда журналистларнинг ҳам касб маҳорати ошиб бормоқда. Ҳозирда республикамизда журналистларни тайёрловчи иккита факультет ва битта бўлим фаолият кўрсатмоқда. Ҳар қандай ОАВнинг ушбу билим даргоҳларида билим олаётган бўлажак журналистларга эътибор ва қизиқишининг ўзгачалигини тушуниш қийин эмас. Зеро, ушбу талабалар орасидан истеъдодли публицист, шарҳловчи, умуман, қалами ўткир журналистлар етишиб чиқиши ва бундай кадрларга ҳар қандай ОАВ эга бўлишга ҳаракат қилиши аниқ.

Мана шу эътибор ва қизиқиш газетамиз таҳририятини Ўзбекистон Миллий Университетининг журналистика факультетига етаклади. Имтиҳонлар ва уларга тайёргарлик бошланиб кетганига қарамасдан факультет раҳбарияти ҳамда талабалар таҳририят ходимлари билан учрашувга катта иштиёқ билдирдилар. Буни аудиторияни тўлдириб ўтирган талабаларнинг кўзларидан ҳам англаш мумкин эди. Учрашув аввалиданоқ биз талабалар билан мулоқотимиз янада қизиқарли бўлиши учун уни кўпроқ савол-жавоб, яъни икки томонлама фикр алмашиш тарзида ўтказишга келишиб олдик.

Таҳририят фаолияти билан таништириш давомида газетанинг юридик бўлими бошлиғи Д.Халилов доимий рукнлардан бири ҳисобланган «Ҳуқуқий маслаҳатхона» ҳақида тўлиқ маълумот берди. Газетанинг хатлар бўлими бошлиғи М.Дўстёрова таҳририятнинг жамоатчилик билан ишлаш тартиби, фуқаролардан келган ариза ва шикоятларнинг қай тартибда кўриб чиқилиши ҳақида батафсил маълумот берди. Шундан сўнг талабалар фаоллашиб, ўзларини қизиқтириб келаётган саволларни бера бошладилар.

**(Давоми 9-бетда).**

Тадбир

## Фарзандлар камоли — юрт истиқболи

Фарзандларимиз келажаги ва уларнинг камоли биз катталарнинг қўлимизда. Бугунги кундаги бунёдкорлик ишлари юрт истиқболи, ободлиги ва кўркамлиги, энг асосийси — келажак авлод учун амалга оширилмоқда.

Республика Бош прокуратурасининг Қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимлари малакасини ошириш Маркази томонидан республикамиздаги барча шаҳар, туман ва вилоят ҳокимликларидаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар масъул котиблари учун ўқув машғулотлари ўтказилди. 11 май куни масъул котиблар Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманида янги таҳрирдаги чиққан, замонавий талабларга тўлиқ жавоб берадиган 28-умумий ўрта таълим мактабида, Юнусобод туманидаги 519-сонли болалар боғчаси ва ИИББ вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказида бўлишди.

Тадбирда иштирок этган Собир Раҳимов туман прокурори К.Тожиқулов қуйидаги фикрларини билдирди: — «Эндиликда юртимиздаги мактабларда яратилаётган шароитлар ҳукуматимиз томонидан бу соҳага берилаётган эътибор намунасидир».

28-умумий ўрта таълим мактаб директори Дилдора Арипова ва туман халқ таълими бўлими бошлиғи Норхўжа Раҳимходжаев тадбир иштирокчиларини мактабда яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан таништиришди. Мактаб билан танишув чоғида қисқа анжуман уюштирилди.

Анжуманда Республика Бош прокуратураси бўлим бошлиғи Т.Умаров мактаб, маҳалла ва оила бир бутун ҳолда ишлаши, шу жумладан, маҳалла ва соғлиқни сақлаш тизимларининг ҳудудий бўлимлари болалар билан ишлаш услубларини ишлаб чиқиши, бундан ташқари, мактаблардаги кураторлар вазифасини тўғри тақсимлаш муҳим масалалардан бири эканлиги ва республикамиздаги барча мактабларнинг Соғлиқни сақлаш, Ички ишлар ва Халқ таълими тизимлари билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, туманларда ҳуқуқий тарғибот ва ташвиқот ишларини тўғри йўлга қўйиб, ўқитувчиларнинг ўз устида ишлаши ва малакасини ошириб боришдан тўхтамаслик лозимлигини таъкидлаб ўтди.

Масъул котибларнинг навбатдаги ташрифи ИИББ вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказида давом этди. Республика Бош прокуратурасининг қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимлари малакасини ошириш Маркази директори Ф.Шодмонов тадбир аҳамияти ҳақида гапирар экан, вояга етмаганлар билан ишлаш ва уларнинг камолотида бир бутун жамият иштирок этиши, бугунги мактаб, боғча ва вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига ташриф ҳар бир вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия масъул котиблари учун фойдадан холи бўлмаслигини таъкидлади.

**Гули ҲОЖИБОЕВА,**
**«Huquq» мухбири**

Мулоқот

## ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ — ЗАРУРИЯТ

Республикамизда ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш борасида олиб борилаётган ислоҳотлар жараёнида аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ва ҳуқуқий маданияти муҳим омиллардан саналади. Жамиятда ҳуқуқий маданиятнинг шаклланиши эса ўз навбатида ОАВ, хусусан, ҳуқуқий нашрлар савияси билан боғлиқ.

Ўтган ҳафтада Республика Бош прокуратурасида «Ҳуқуқ ва бурч» журнали бош муҳаррири И.Ҳотамбоев билан бўлиб ўтган мулоқотда ҳам ҳуқуқий матбуотимизнинг бугунги кунда тутган ўрни ҳақида сўз юритилди.

Адлия вазирлиги, Бош прокуратура, Конституциявий суд, Олий суд ва Олий хўжалик суди муассислигида чоп этилаётган «Ҳуқуқ ва бурч» журнали бош муҳаррири И.Ҳотамбоев йиғилганларга нашр фаолияти ҳақида гапириб берди. Шунингдек, мулоқот жараёнида миллий матбуотимизнинг ютуқ ва камчиликлари, ОАВ ва ҳуқуқ-тартибот органлари, хусусан, прокуратура органлари билан ҳамкорлиги борасида фикр юритилди.

Соҳада сўнгги йилларда сезиларли силжишларга эришилган бўлса-да, ҳали ечимини топиши лозим бўлган масалалар анчагина эканлиги айтиб ўтилди. Учрашув йиғилганларда яхши таассурот қолдирди.

**Худойберди НОРҚОБИЛОВ,**
**Республика Бош прокуратураси бошқарма прокурори**

# ҚИММАТГА ТУШГАН ИШОНЧ

Ҳалол меҳнат қилишдан кўра, кимларнидир алдаб пул топишга ҳаракат қилувчилар тоифаси ҳамма замонларда ҳам бўлган. Асли қашқаларёлик, аммо Тошкентга келиб яшаётган Ойша Раҳмонова ҳам ана шу тоифага мансуб бўлиб чиқди.

Ойша қийналмай, мўмай даромад топиш учун ишонувчан одамлардан фойдаланишни афзал топди-да, эски таниши Маликахон Раҳимованинг ёнига келди.

— Ҳозир бир яхши имконият туғилди, — деди у суҳбатлашиб ўтириб. - Хорижга бориб ишлашни мўлжаллаётганлар бўлса айтинг, мен уларни хоҳлаган юртига жўнатишга ёрдам бераман...

Содда Маликахон Ойшанинг паспорт столи-ю, ОВИРда ишлайдиган опахонлари, акахонлари, уларнинг қўлидан ҳар қандай иш келиши ҳақидаги гапларига лаққа тушди. Қолаверса, ўзи ҳам даллолликдан «чой-чақа топиш»ни мўлжаллаб, фуқаро Умарали Мадраҳимовни Ойшага рўпара қилди. Умарали учта жиянини хорижга юборишга виза тўғрилатишни сўраб, Ойшага 1500 доллар ва учта паспортни топшириб кетди.

Ойша бу долларларни ўз эҳтиёжлари учун ишлатиб юборади, виза тўғрисида эса бош қотириб ўтирмади. Пулнинг эгасига эса «ана-мана» деб, важ кўрсатиб вақтни ўтказаверди. Охири У.Мадраҳимов уни судга беришга чоғланганда О.Раҳмонова паспортларни М.Раҳимовага қолдириб, ўғли билан номаълум томонга қочиб кетди.

2002 йил июнь ойида Бирлашган Араб Амирликларига бориб, у ерда Хурсандой исмли қўшмачи аёл билан танишган Ойша Раҳмонова Ўзбекистонга қайтишда қўшмачига «ҳар бир қиз ҳисобига 200 доллар ҳақ бериши»ни писандалаб, ёш ва гўзал қизларни жўнатиб туришга ваъда беради.

Бир куни у Андижон шаҳрининг 3-кичик даҳасидаги «Теремок» кафе-ресторанида ўтириб, бир гуруҳ енгилтабиат қизлар билан суҳбатлашиб қолади. Қизларнинг яхши еб, яхши кийинишга ўчлигини билиб олгач, «хорижга боринглар, сизлар у ерда кераксизлар», деб бунга шахсан ўзи ёрдам беришини билдиради.

Ойшанинг бу гапларига чиппа-чин ишонган қизлар ҳужжатларини расмийлаштириши учун унга 15.000 сўмдан пул ва паспортларини келтириб беришади. Ойша Раҳмонова Марғилан шаҳар ИИБда ишловчи Б.Голодаев билан тил бириктириб, 2002 йил октябрь-ноябрь ойларида Елена, Мария, Наталья исмли 18-23 ёшли қизларнинг паспортларига хориж мамлакатларига чиқиш ҳуқуқини берувчи қалбаки муҳр бостиради. Сўнгра Елена ва Марияни Қирғизистоннинг Ўш аэропортидан Бирлашган Араб Амирликларига жўнатиб юборади. Қизларни бегона юртда қўшмачи Хурсандойнинг вакили кутиб олиб, фоҳишахонага жойлаштиради.

Дастлабки иш ими-жимида биттач, Ойша Раҳмонова энди Жамила, Гулруҳ, Олесья, Татьяна исмли қизларни кўз остига олди. Андижон шаҳар ИИБда ишловчи О.Немальцева ёрдамида ҳужжат тайёрлаб, уларни Ўш аэропортига олиб кетаётганда «Дўстлик» божхона постида милиция ходимлари томонидан тўхтатиб қолинди.

Андижон вилоят суди Ойша Раҳмоновани фирибгарлик ва одам савдоси билан шуғулланиб қилган жиноятлари учун узоқ муддатга озодликдан маҳрум этди. Бироқ у амнистия туфайли тез орада озодликка чиқди. Давлатимизнинг инсонпарварлиги боис жазони ўташдан барвақт қутулган Ойша тузалиш, ҳалол яшаш ўрнига яна жиноят йўлига кирди. У энди фуқароларнинг мол-мулкини ўғирлаб, шаҳарма-шаҳар қочиб юра бошлади. Ниҳоят, Ойша Раҳмонова ҳуқуқ-тартибот ходимлари томонидан ушланди.

Фирибгарлик, ўғирлик, фуқароларни Ўзбекистон ҳудудидан олиб чиқиб кетиш каби жиноий ишлар билан шуғулланиб юрган Ойша Раҳмонова, унинг ўғли Алишер Раҳмонов ҳамда уларга шериклик қилган шахслар иши судда кўрилиб, қилмишига яраша жазо тайинланди. Қилмиш-қидирмиш, деб шунга айтадилар.

**Ҳамидахон МАДАМИНОВА,**
**Андижон шаҳар прокурорининг ўринбосари**

# МАСЪУЛИЯТ БОШ МАСАЛА

Вояга етмаганлар ўртасида тарбиявий ишларни кучайтириш, улар томонидан турли ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан эканини яхши биламиз. Бу йўналишда иш олиб борувчи давлат идоралари, жамоат ташкилотлари, шунингдек, вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини мувофиқлаштириш турли қонунбузилиш ҳолатларининг олдини олишда яхши самара бериши тажрибалардан маълум.

Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 сентябрдаги «Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақида»ги қарорида ана шу масалалар ўз ифодасини топган. Юқорида қайд этилган идоралар зиммасига нафақат ёшлар таълим-тарбияси билан шуғулланиш, улар ўртасидаги ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш, балки вояга етмаганларнинг ижтимоий ва ҳуқуқий муҳофазасини таъминлаш вазифаси ҳам юкланган.

Ўз навбатида юқоридаги қарор ижросини таъминлаш, вояга етмаганларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш прокуратура органларининг доимий эътиборида. Бу борада ўтказилган текширишларда жорий йил «Ижтимоий ҳимоя йили» эканлигидан келиб чиқиб, жисмонан ногирон болаларни аниқлаш, уларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, таълим-тарбия бериш ҳамда соғлигини муҳофаза қилишга жиддий эътибор қаратилди. Таъкидлаш жоизки, бу борада кўплаб ижобий жиҳатлар кўзга ташланди. Аммо айрим ўринларда масъул мутасаддилар фаолиятида бир қатор қонунбузилиш ҳолатлари мавжудлиги ошқор бўлди. Шундай камчиликларнинг аксарияти соғлиқни сақлаш тизимига тегишли. Жумладан, аҳолини белгиланган муддатларда тиббий кўрикдан ўтказиб бориш таъминланмаганлиги оқибатида болалар ўртасида ногиронлик ҳолатлари вақтида аниқланмай қолган. Буни биргина Мингбулоқ туманида ҳам кўришимиз мумкин. Хусусан, 2003 йилда туғилган Ш.Абдулҳаеванинг туғма ногирон эканлиги аниқ бўлсада, унга уч йил кечиктириб, яъни 2006 йилда ногиронлик белгиланган. Тиббий назорат ҳайъати эса уч йил ўрнига бир йил муддатга ногиронлик муддатини белгилаган, холос. Бундан ташқари, 1996 йилда туғилган М.Собитовнинг ногиронлиги ўн йил кечиктириб (2006 йилда) аниқланганини етмагандай устига устак унга бир йил муддатгагина ногиронлик белгиланган. Энг ачинарлиси, вояга етмаган, ижтимоий муҳофазага муҳтож бу ногирон болалар махсус диспансер назоратига олинмаган, уларни соғломлаштириш режалари тузилмаган.

Назорат текшируви жараёнида ногирон болаларни ўқитиш масаласида ҳам туман халқ таълими бўлими ва мактаб маъмуриятлари томонидан кўплаб қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланди. Якка тартибда таълим олиши лозим бўлган ногирон болаларга ўқитувчилар бириктириб қўйилган бўлса-да, улар бирор соат ҳам дарс ўтмай ойлик маош олиб юришганига ёки бундай болалар дарсликлар билан бепул таъминланиши шарт бўлгани ҳолда китоблар учун ижара пуллари ундирилганига нима дейсиз?! Бундай қўпол қонунбузилишларни Учқўрғон, Норин, Янгиқўрғон, Поп, Тўрақўрғон, Чуст туманларида ҳам кузатиш мумкин.

Бундай масъулиятсизликни асло оқлаб бўлмайди. Текшириш якунлари бўйича қонунбузарликларни бартараф этишга қаратилган прокурор назоратлари қўлланилди. Бу эса қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўймаслик борасида ҳар бир мутасадди рахбар ёки масъул шахсларни янада ҳушёрликка ундаса ажабмас. Келажагимиз бўлган фарзандларимизнинг тарбияси, ҳуқуқ ва манфаатлари муҳофазаси бугун бизнинг қўлимизда экан, бу борада масъулиятни янада кучайтирмоғимиз шарт.

**Бахтиёр НАБИЕВ,**
**Наманган вилояти прокурорининг катта ёрдамчиси**

# ТИРИКЧИЛИК БАҲОНА

Мамлакатимизда аёлларга бўлган эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилганини ҳеч ким инкор этолмайди.Бугун жамиятимизда аёл кириб бормаган соҳанинг ўзи қолмади. Аёл — ўқитувчи, шифокор, муҳандис, ҳуқуқшунос, сенатор...

Ҳаётимиз давомчиси фарзанддир. Унинг тарбиясида кўпроқ она масъул. Ҳаётга эндигина қадам қўйиб келаётган бола учун аввало, оила буюк мактаб. Бироқ, она жиноятчи бўлса-чи? У қайси фазилати билан боласига ибрат бўла олади?

Гулойим Рейимова ўсган муҳит бизга қоронғу... Бироқ, у 22 ёшидаёқ суднинг қора курсисига ўтиргани-ю, бу унинг бешинчи маротаба судланаётгани ҳақиқат.

Нукус шаҳар бош бекати. Тизилиб турган автобусларга ким тўрва-халта, ким оғир-оғир сумкаларни ортган. Ҳамма манзилга ошиқади.

Гулойим «Нукус-Тошкент» деб ёзиб қўйилган «Икарус» олдига келиб, сумкаларини юкхона қаршисига қўйди.

— Юкларингиз бунча зил-замбил. Тош солганмисиз, опа! — ҳайрон бўлиб сўради ҳайдовчининг ёрдамчиси ва сумкаларни бир амаллаб жойлаштирди.

— Нонини есанг, кўтарасан-да, укажон. «Тирикчилик», деб қўйибди-я, — деди Гулойим «рангли металлнинг бозори чаққонлигини булар қаердан биларди», деган ўйда. Автобус ўриндиғига қулайгина ўрнашиб оларкан, унинг кўзи илинди.

«Икарус» бир чайқалиб йўл четига ўтди. Ғиждувон туманидаги «Сармижон» йўл патруль хизмати маскани. Г.Рейимовага тегишли 90 кг. рангли металл парчалари солинган сумка божхона хизмати ходимлари назаридан четда қолмади.

Суд Г.Рейимовага қилмишига яраша жазо тайинлади. Унга нисбатан жиноят ишлари бўйича Ромитан туман судининг 2006 йил 30 октябрдаги ҳукми билан тайинланган 1 йил 6 ой ахлоқ тузатиш ишлари ва энг кам ойлик иш ҳақининг 65 баравари миқдорида жарима жазоларини ўталмаган жазо сифатида қўшиб тайинлашни лозим деб топди.

**Ҳамид СОҲИБОВ,**
**Ғиждувон туман прокурори ёрдамчиси**

# ОСОЙИШТА ҲАЁТГА ТАҲДИД

**Ўзбекистонда азалдан диний бағрикенглик, миллатлараро ҳамжиҳатлик давом этиб келмоқда. Бундай тарихий тотувлик юртимиз миллий мустақилликни қўлга киритгандан сўнг янада мустаҳкамланди. Ҳозир мамлакатимизда барча фуқароларнинг эътиқод эркинлиги тўла таъминланган.**

Конституциямизнинг 31-моддасида: «Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди» деган қоиданинг мустаҳкамлаб қўйилгани ҳам республикамизда виждон эркинлиги ғоясининг улуғланишидан далолатдир.

Қарши шаҳар прокуратураси томонидан «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонун ва бошқа қонунлар ижроси юзасидан ҳам доимий назорат ўрнатилган. Ўтган йиллар давомида ўтказилган текширишлар, тергов натижалари фуқаролар томонидан содир этилган жиноятлар виждон эркинлиги тўғрисидаги қонунга зид хатти-ҳаракатлар эканлиги ҳақида мулоҳаза юритишга ундайди.

Ўтказилган тадбирларда айрим фуқаролар дин ишлари бўйича қўмита рухсатисиз диний мазмундаги адабиётлар, аудио ва видео кассеталар савдоси билан шуғулланаётгани ҳам аниқланган.

Яна бир ноқонуний фаолият — миссионерлик билан шуғулланувчиларнинг кўпайиб бораётганлиги ташвишланарлидир. Ноқонуний секталар фаолияти юртимизда асрлар давомида шакланган толерантликка, хонадонларимиздаги ҳаловатга тажовуз эканлигини ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Вилоят прокуратураси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органлар билан ҳамкорликда ўтказган текширишларда Қарши шаҳри «Теракзор» кўчасида яшовчи Г.Бузруков 42 нафар фуқарони уйида йиғиб, «Иехова шоҳидлари» сектасининг норасмий ва рухсат этилмаган маросимларини ўтказиб келаётгани аниқланган.

Савол туғилади: наҳотки, уларнинг ноқонуний фаолиятидан маҳалла аҳли бехабар бўлса? Фаоллар, посбонлар қаёққа қарашяпти? Бу ҳолатлар жойлардаги маҳаллий ҳокимият, ўзини-ўзи бошқариш органлари ва айрим жомеъ масжид имом-хатиблари зиммаларидаги диний экстремизм ва ақидапарастликнинг олдини олиш борасидаги вазифаларига етарлича масъулият билан ёндошмаётганлигидан далолат беради.

Маълумки, террорчилик, уюшган жиноятчилик, гиёҳвандлик каби иллатлар нафақат муайян давлатлар, керак бўлса, бутун дунёдаги осуда ҳаётга путур етказиши ҳеч гап эмас. Бугун ушбу хавфларнинг ҳар бири жиддий ўрганиб чиқилар экан, улар бирбирисиз яшай олмаслиги аён бўлмоқда. Соддароқ қилиб айтганда, ушбу иллатлар бирбирининг тегирмонига сув қуйиши билан тирикдир.

Инсон организмига тушган зарарли қурт мисоли жамиятни ичидан емириб, заифлаштириб борадиган бу иллатлар орасида гиёҳвандлик ҳам ўта хавфли таҳдид ҳисобланади. Гиёҳвандлик муаммоси пайдо бўлганига кўп бўлганича йўқ. Ўтган асрнинг 70-80-йилларида ўзининг қиёфасини кўрсата бошлаган мазкур иллат орадан йигирма йил ўтиб ҳар қандай чегараларни забт эта бошлади. Албатта, гиёҳвандликнинг томир отиб кетишига ўзига хос сабаблар бор.

Мамлакатимизда ҳам бу иллатнинг олдини олиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Шунга қарамай, гиёҳвандлик кўчасига кираётганлар ҳамон учраб турибди.

Айтиш жоизки, мамлакатимиз аҳолисининг 60 фоиздан ошиғини ташкил этадиган ёшлар орасида гиёҳвандликнинг олдини олиш муҳим дир этилган. Жумладан, Қарши шаҳрида яшовчи, муқаддам судланган К.Воскобойникова ёнида 0,2 грамм героин олиб юрганлиги аниқланган. Шунингдек, 2-митти туманда яшовчи В.Батулина ҳам ҳуқуқ-тартибот ходимлари томонидан тўхтатилиб текширилганда унинг чўнтагидан 0,02 грамм героин гиёҳванд моддаси топилди.

Гиёҳвандлик кўчасига кирган инсон учун орқага қайтиш имкониятлари ниҳоятда кам эканлиги бугун ҳеч кимга сир эмас. Демак, гиёҳвандлик жамият ва давлатни энг катта бойлиги инсон ресурсидан айириши билан ҳам хавфлидир. Шундай экан, XXI аср вабосининг олдини олиш ҳар биримизнинг бурчимиз бўлиб қолмоғи керак.

**М.ҲАКБЕРДИЕВА,**
**Қарши шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси**

# Қимор — шайтон амали

*Президентимизнинг 2007 йил 28 мартдаги «Қимор ўйинларини ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ ноқонуний фаолиятнинг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан танишиб чиқдим-у, бу ҳужжатнинг нақадар долзарб аҳамиятга эга эканлигига амин бўлдим. Зеро, маънавияти камол топган, жисмонан соғлом ёш авлодни энг яхши халқ анъаналари, миллий маданиятимиз, умуминсоний маънавий-ахлоқий бойликлар ҳамда жаҳон цивилизациясининг замонавий ютуқлари асосида тарбиялашни олдимизга бош мақсад қилиб қўйган халқмиз.*

Мустақиллигимиз бизга шу олий мақсадларимизни амалга оширишга шарт-шароит, имкон яратиб берди. Шу ерда бир савол пайдо бўлади. Хўш, маънавияти камол топган, жисмонан соғлом, энг яхши халқ анъаналари, миллий маданиятимиз, умуминсоний маънавий-ахлоқий бойликлар, жаҳон тамаддунининг замонавий ютуқлари асосида тарбияланган шахс қандай бўлади ўзи?

Инсонпарварлик, хушфеъллик, меҳнатсеварлик каби ўнлаб ижобий фазилатларга эга бўлиш билан бир қаторда у биринчи навбатда бировнинг ҳақини ноҳақ емайди. Ҳар қандай ноқонуний, яъни алдаш, фирибгарлик, товламачилик йўллари билан ўзгаларни чув тушириб, ризқини қийишдан, етимнинг молидан ҳазар қилади. Бола-чақасини пешона тери тўкиб топилган ҳалол луқма билан боқади.

Энди «Қимор» нимани англатишини кўриб чиқайлик. «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да (2-жилд, 580-бет) қиморга шундай таъриф берилган:

«Қимор — пул ёки буюм тикиб ўйналадиган ҳар қандай ўйин!» Бу энди фақат ошиқ отиш, карта ўйнаш, ангишвона суриш эмас, балки энг маданий ўйин турларидан бири бўлмиш шахмат ўйини ҳам пул ёки буюм тикиб ўйналса қиморга айланишини англатади. Одамзотнинг онгли ҳаёти бошлангандан буён бундай ўйинлар бор. Қуръони каримда қимор «шайтон амалидан бўлган ҳаром ишдир» деб таърифланади. Эътибор беринг:

«Эй мўминлар, ароқ (маст қиладиган ичкилик ичиш), қимор ўйнаш), бутлар (яъни уларга сиғиниш) ва чўплар ( яъни чўплар билан фолбинлик қилиш) шайтон амалидан бўлган ҳаром ишдир. Бас, нажот топишингиз учун уларнинг ҳар биридан узоқ бўлингиз! Ичкилик, қимор сабабли шайтон ўрталарингизга бузғу адоват солишни ҳамда сизларни Оллоҳни зикр қилишдан ва намоз ўқишдан тўсишни истайди, холос! Энди тўхтарсизлар! (5-сура 90-91 оятлар)

Кўриниб турибдики, Аллоҳ таоло ҳам одамларга қимор ўйнашни ман этмоқда, чунки қиморга берилиб кетган одам бангига ўхшаб қолади. Катта нарсани ютиб олиш ниятида қўлидаги кичик нарсадан ҳам маҳрум бўлиб, уй-жойсиз, мол-мулксиз кўча-кўйда дарбадар бўлиб қолади. Чунки, ҳақиқий қиморбозларни ҳеч қачон ютиб бўлмайди.

Президентимизнинг ушбу қарорида яширин қимор ўйинларини ташкил этиш ҳамда уларни ўтказиш учун қиморхоналарни ушлаб туриш ҳаракатларининг қатъий олдини олиш ва чек қўйиш, ушбу ўйинлар ташкилотчиларининг ноқонуний фаолиятини тўхтатиш чоралари кўрилиши лозимлиги таъкидлаб ўтилган.

**Улуғбек КАРИМОВ,**
**Учтепа туман прокурорининг ўринбосари**

# Иллат

**Барчамиз бозорларда, шаҳарнинг гавжум кўчаларида ташкил этилган қиморхоналардаги ғирромликлар, юлғичликлар ҳақида кўп эшитганмиз. Бор-будини қиморга тикиб ўй-жойсиз қолганларнинг аҳволидан ҳам хабардормиз. Аммо шунга қарамай айрим одамлар била туриб ўзини ана шу чоҳга ташлашдан тўхтата олмайди. Одам табиатидаги ана шу нозик жиҳатдан қиморхона-ю қиморвозлар усталик ва аёвсизлик билан фойдаланиб қоладилар. Оқибатда бир зумда бойиб кетишдек хомхаёлдаги одамлар қашшоқлашиб, оилаларга дарз кетади, жамиятга озор етади.**

Мана шундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида 2007 йил 28 мартда Ўзбекистон Президентининг «Қимор ўйинларини ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ ноқонуний фаолиятнинг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш юзасидан прокуратура ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан муайян ишлар амалга оширилди.

Қарор ижросини таъминлаш мақсадида Республика Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан «Қиморхоналар, яширин қимор ўйинларини ташкил этиш каби ҳолатларнинг олдини олиш ҳамда бундай қонунбузарлик ҳолатларини бартараф этиш юзасидан амалга ошириладиган тадбирлар» режаси ижро учун жойларга юборилди.

Аниқланишича, Ўзбекистон Молия вазирлиги томонидан Республика бўйича жами 20 та хўжалик юритувчи субъектларга лотореялар, тотализаторлар ва тавакалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш юзасидан лицензиялар берилган. Бундан Тошкент шаҳрида 14, Самарқанд, Наманган, Фарғона, Тошкент, Андижон вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида 1 тадан хўжалик юритувчи субъектларга лицензиялар берилган.

Ўзбекистон Республикаси Бош Вазири ҳузурида 2007 йил 7 апрелда ўтказилган йиғилиш баёни билан тасдиқланган ишчи гуруҳлари томонидан Фарғона, Самарқанд вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида ўтказилган текширишларда бир қатор қонунбузарликлар аниқланган. Жумладан, Фарғона вилоятида лотореялар, тотализаторлар ва бошқа тавакалчиликка асосланган ўйинларни ўтказиш лицензиясига эга бўлган «Омад-Диёр» унитар бошқармаси томонидан 16 та ўйингоҳ ташкил этилган бўлиб, уларнинг 12 таси Фарғона вилоятида, 4 таси Андижон вилоятида жойлашган.

Фарғона вилоят ҳокимининг тегишли қарори билан от спорти мактабининг айрим бино ва иншоотлари мазкур бошқармага устав жамғармасини шакллантириш мақсадида қонунга зид равишда берилган.

Текширишда «Омад-Диёр» унитар бошқармаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари талабларини қўпол равишда бузиб, жиноий фаолият кўрсатиб келаётганлиги аниқланди.

Аниқланган қонунбузилишлар юзасидан Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш Департаментининг вилоят бошқармаси томонидан «Омад-Диёр» давлат унитар бошқармаси бошлиғи Г.Каримова, бош ҳисобчи М.Аллабердиевага ва бошқа масъул мансабдор шахсларга нисбатан ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилиб, ҳозирда дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Шунингдек, Самарқанд вилоятидаги шаҳар ва туман марказларидаги деҳқон бозорлари, аҳоли кўп тўпланадиган жойларда тегишли ҳужжатларсиз «Бахтли воқеа» ва «Мўъжиза лотто» каби 9 та лотоўйинлари қонунга хилоф равишда ташкил этилганлиги аниқланди.

Тошкент шаҳрида ҳам турли ўйинларни ўтказиш лицензиясига эга бўлган 14 та хўжалик юритувчи субъект томонидан 29 та ўйингоҳ ташкил этилган. Ушбу хўжалик юритувчи субъектлардан 3 тасининг лицензияси бекор қилиниб, 17 та ўйингоҳ фаолияти тўхатилди.

Қарор эълон қилинганидан буён шу кунга қадар ўтказилган тадбирларда 72 та қонунбузилиш ҳолатлари аниқланиб, шундан 12 таси бўйича жиноий, 60 таси юзасидан маъмурий ишлар қўзғатилди.

**С. ОМОННИЁЗОВ,**
**Республика Бош прокуратураси бўлим бошлиғи**

# МОББИНГ НИМА?

## ЁХУД МЕҲНАТ ЖАМОАСИ МУАММОЛАРИ

Ҳар бир давлатнинг гуллаб-яшнаши ундаги саноат ёки қишлоқ хўжалигининг юқори даражада ривожланганлигига боғлиқ. Саноати ёки деҳқончилиги ривожланган, жаҳон бозори талабларига, эҳтиёжларига мос товарлар ишлаб чиқариладиган давлатда аҳолининг турмуш даражаси баланд бўлади. Буларнинг барчаси кичик-кичик меҳнат жамоаларидаги психологик вазиятга тўғридан тўғри боғлиқ десак кимларгадир эриш туюлиши мумкин, аммо бу рад этиб бўлмайдиган ҳақиқатдир. Меҳнат жамоалари аъзолари ўзаро қанчалар жипс, уюшқоқ бўлса, ишлаб чиқарган маҳсулотлари шунчалар сифатли ва харидгир бўлади, бу эса меҳнат жамоасига кўп фойда келтиради.

Маҳсулот ишлаб чиқарадиган меҳнат жамоалари билан бир қаторда маҳсулот ишлаб чиқармайдиган, яъни бошқарув, назорат, таълим-тарбия, медицина ва шунга ўхшаш соҳаларда фаолият кўрсатадиган меҳнат жамоалари ҳам мавжуд. Хўш, бундай меҳнат жамоаларида аҳвол қандай? Табиийки, бундай жамоаларда ҳам ютуқлар, яхши кўрсаткичлар жамоанинг ички жипслиги, уюшқоқлиги билан чамбарчас боғлиқдир. Аммо гуруч курмаксиз бўлмаганидек, ҳар бир жамоада ташаббускор, ишбилармон, меҳнат жараёнида жамоадошларига қараганда яхшироқ кўрсаткичларга эришадиган ходимларни кўролмайдиган, унинг ортидан турли фисқи-фасод гапларни тарқатиб, унинг обрўйини тўкишга ҳаракат қиладиган кимсалар топилади. Уларнинг бундай хатти-ҳаракатлари хорижда «моббинг» дейилади. Бизнинг тилимизда буни ўзининг жонкуярлиги, меҳнат жараёнига бутун борлиғи билан киришиб кетиши боис раҳбарларнинг назарига тушган илғорларга қарши «совуқ муносабат» деб аташ мумкин. Фикримча, қуйидаги ҳолатларда меҳнат жамоасида «моббинг» юзага келади:

1. Меҳнат жамоасига янги ходим келганда; Маълумки, ишга янги келган киши бошлиқлар кўзига яхши кўриниш, меҳнат жамоаси аъзоларининг ҳурматини қозониш учун ўзини жонжаҳди билан ишга уради. Бу эса қўл учида ишлаб юрган, амалда қўлини совуқ сувга урмайдиган ходимларнинг ғашини келтиради. Натижада янги ходимга «ҳужум» бошланади.

2. Жамоадаги яширин ички кескин вазият; Бундай ҳолат ходимларда «кимгадир заҳрини сочиш, унинг гуноҳкор ёки бегуноҳлигидан қатъи назар ўч олиш» заруратини келтириб чиқаради.

Моббингнинг турлари, кўринишлари, уларни келтириб чиқарадиган сабаблар жуда кўп ва хилма-хил, аммо оқибати бир хил: жамоадан файзу барака кўтарилади. Ходимлар нишонга олинган кишининг ноҳақлигини, ўзларининг ҳақлигини исботлаш билан банд бўлиб, асосий ишга панжа орасидан қараб-дилар. Агар бу меҳнат жамоаси олий ўқув юртидаги бironта факультет ёки кафедра бўлса, талабалар «чаламулла» бўлиб қолади. Агар бу меҳнат жамоаси бironта поликлиника бўлса, беморлар ўзаро курашиб ётган дўхтирлардан тузукроқ маслаҳат ҳам, даво ҳам ололмайдилар. Бирники мингга, мингники туманга деганлари шу-да.

Ўзим маҳсулот ишлаб чиқармайдиган жамоада, яъни олий ўқув юрти кафедрасида фаолият кўрсатаётганим учун юқорида агар шундай жамоаларда моббинг ҳолати юзага келса, қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигини мисол қилиб келтирдим. Тўғри, моббинг ҳолати юзага келмайдиган жамоалар ҳам бор. Ишлаб чиқарган маҳсулотнинг сони ва сифатига қараб ҳақ тўланадиган корхоналарда моббинг ҳолати юзага келиши амри маҳол, чунки бундай жамоа аъзолари қиймматбаҳо вақтларини, ўзларининг соғлиғини ва асабларини бўлмағур ишларга сарфлаб ўтирмасдан, ишга жон-дилидан берилиб, кўпроқ ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга ҳаракат қиладилар. Зеро улар бундан моддий манфаатдордирлар.

Кўриниб турибдики, моббинг ҳолати ҳам қандайдир маънода республикамиз тараққиётига тўсиқ бўлиши мумкин. Шу боис, жамоаларда ишни тўғри ташкил этиш, ҳар хил майда гапларга йўл қўймаслик, дадил қадамлар билан жаҳон ҳамжамиятига кириб бораётган давлатимизнинг келажагини буюк қилишга муносиб ҳисса бўлиб қўшилиши мумкин. Зеро, денгизлар томчилардан ташкил топади.

**Игорь КУДРЯВЦЕВ,**
**ТДЮИ ўқитувчиси**

# Фарзандликка олиш тартиби

**Тахририятимизга кейинги пайтларда болани фарзандликка олиш масаласида келган кўплаб мурожаатларни инобатга олиб, ушбу саволларга жавоб беришни сўраб, Тошкент шаҳри Собир Раҳимов туман ФҲДЁ бўлими мудири Зулфия АБДУРАСУЛОВАга мурожаат қилдик.**

**– Мен турмуш қурганимга ўн йилдан ошди, лекин тақдир тақозоси билан шу пайтга қадар фарзандли бўлганим йўқ. Шу боис ота-онасиз болани фарзандликка олишим мумкинми? Бундай ҳуқуқ қонун бўйича кимларга берилади?**

– Оила кодексига кўра фарзандликка олиш фарзандликка олишни истаган вояга етган эркак ёки аёлнинг аризаси асосида васийлик-ҳомийлик органининг берган тавсиясига кўра туман (шаҳар) ҳокими қарори билан амалга оширилади.

**– Фарзандликка олишга чекловлар ҳам борми?**

– Албатта бор. Қуйидаги шахслар бундай ҳуқуқдан фойдалана олмайди:

1) ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинганлар ёки ота-оналик ҳуқуқи чекланганлар ёки муомала лаёқати чекланган деб топилганлар;

2) қонун билан белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз шахслар;

3) асаб касаллиги ёки наркология муассасаларида рўйхатда турганлар;

4) қасддан содир қилган жиноятлари учун илгари ҳукм қилинганлар.

Эътиборли жиҳати шундаки, фарзандликка олувчи ва фарзандликка олинувчилар ёшидаги фарқ 15 ёшдан кам бўлмаслиги шарт, ўгай ота ва ўгай она томонидан фарзандликка олиш ҳоллари бундан мустасноди.

**– Мен фарзандликка олмоқчи бўлган боланинг келажакдаги тақдирини ҳисобга олиб, у фарзандликка олинганини унинг ўзига ва ён атрофдагиларга билдирмасликка ҳаракат қиламан. Лекин бу сирнинг бошқалар томонидан ошкор қилинмаслигига қонуний кафолат борми?**

– Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси инсоннинг шахсий ҳаётига аралашишини таъқиқлайди. Конституциямиз ҳар бир шахснинг ҳаёти ва сирларининг дахлсизлигини кафолатлайди. Фарзандликка олиш тўғрисидаги ҳар бир маълумот оилавий сир ҳисобланади ва унинг сир сақланиши қонун билан ҳимоя қилинади.

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш дафтарига ва бошқа ҳужжатлардаги фарзандликка олувчилар фарзандликка олинганларнинг ота-онаси эмаслигини билдирадиган мазмундаги ёзувлар билан таништириш, бу ёзувлардан кўчирмалар ва бошқа маълумотларни фарзандликка олувчиларнинг розилигисиз, агар улар вафот этган бўлса, васийлик ва ҳомийлик органининг эркига хилоф равишда фарзандликка олиш сирини ошкор қилган шахслар қонун билан белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

**– Фарзандликка олиш ҳуқуқий жиҳатдан қандай расмийлаштирилади?**

– ФҲДЁ бўлимларида фарзандликка олиш туман (шаҳар) ҳокими қарори асосида бола туғилганлиги қайд қилинган жойда бажарилади.

Фарзандликка олишни расмийлаштиришда ФҲДЁ органига:

а) туман ҳокимининг фарзандликка олиш ҳақидаги қарори нусхаси;

б) фарзандликка олинаётган боланинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси;

в) фарзандликка олувчиларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари тақдим этилади. (Фарзандликка олишни сир сақлаш мақсадида фарзандликка олиш учун ҳужжатлар фарзандликка олувчиларнинг адвокатлари томонидан тақдим этилиши мумкин).

ФҲДЁ органи ҳоким қарори ва фарзандликка олувчиларнинг ҳужжатлари асосида туғилиш ҳақида янги гувоҳнома беради. Фарзандликка олинган боланинг фамилияси ва исми туғилиш ҳақида далолатнома ёзуви қайд этилган йилда юритилган алфавит дафтарига киритилади. Ҳоким қарорида 10 ёшдан ошмаган боланинг туғилган жойи Ўзбекистон Республикаси доирасида ўзгарган бўлса, бу ҳақда ота-онанинг яшаш жойида туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзуви тикланиб, боланинг туғилган жойи қайд қилинган ФҲДЁ бўлимидан бола фарзандликка олиниб туғилган жойи ўзгарганлиги сабабли туғилиш далолатнома ёзувини бекор қилишни сўраб хабарнома юборади.

**– Фарзандликка олинаётган бола манфаатларини ҳисобга олиб, боланинг туғилган вақтини ўзгартирса бўладими?**

– Фарзандликка олиш ўзганинг фарзандини ўз фарзандига тенглаштириб олишдир. Боланинг фамилияси, исмини, шунингдек, зарур ҳолларда туғилган санасини ҳам бир йилдан ортиқ бўлмаган фарқ билан ўзгартириш фарзандликка олувчининг ҳоҳишига боғлиқ. Боланинг фамилияси, исми ва отасининг исмини ҳамда туғилиш санасининг ўзгартирилиши бола манфаатларини кўзлаб фарзандликка олишнинг сир сақланишини таъминлайди.

**– Бола ёлғиз она томонидан ҳам фарзандликка олинса бўладими?**

– Бўлади. Бундай ҳолларда агар ота устунини тўлдириш бўйича ҳоким қарорида кўрсатма берилмаган бўлса, ота ҳақидаги маълумотлар ёлғиз онанинг аризасига асосан она фамилияси бўйича ёзилади. Ҳоким қарорида оила кодекси, қоидалар ва Йўриқнома талабига зид ҳолда ота ёки она ҳақида маълумотлар киритилган ҳолларда ушбу қарорга қўшимча равишда ўзгартиришлар киритиш ҳақида ҳоким қарори талаб қилиб олиниши ёки уни тегишли тартибда бекор қилиш учун прокуратура органига мурожаат этилиши лозим.

**– Фарзандликка олишни ҳақиқий эмас деб топиш мумкинми?**

– Бунга фақат суд тартибида йўл қўйилади.

**– Аввал фарзандликка олинган болани такроран фарзандликка олса бўладими?**

– Бунда фарзандликка олиш тўғрисидаги биринчи қарор суд тартибида бекор қилингандан кейингина болани такроран фарзандликка олишга йўл қўйилади. Шунинг учун ҳам биз ФҲДЁ ходимлари васийлик-ҳомийлик бўлими ходимларига фарзандликка олиш ҳаракатини бажариш учун ҳужжатлар йиғишдан олдин боланинг туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзувидан нусха сўраб ва ундаги маълумотлар билан танишгандан кейингина иш бошлашни тавсия этамиз.

Фарзандликка олиш тўғрисидаги туман, шаҳар ҳокимининг қарори чиқарилганидан кейин ўн кун ичида фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органлари фарзандликка олинаётганларнинг туғилиши қайд этилган дафтарга зарур ўзгартиришлар киритиши лозим. Фарзандликка олувчилар боланинг туғилганлиги тўғрисидаги ёзувлар дафтарига унинг ота-онаси деб ёзилиши керак. Фарзандликка олинган боланинг туғилганлиги тўғрисидаги ёзувлар дафтарига зарур ўзгартиришлар киритилган кун фарзандликка олишнинг вужудга келган вақти ҳисобланади.

# Кредит кимларга берилади?

***Таълим кредити тўғрисида газетангиз орқали тўлиқ маълумот берсангиз. Бу кредитни олиш учун қандай ҳужжатлар билан кимга мурожаат қилиш керак?***

***Исталган банк бу кредитни бера оладими? Гаровга буюм қўйиладими?***

**Н.НАЗАРОВА,**
**Қизилтепа тумани**

Таълим кредитини олиш учун Ўзбекистонда фаолият кўрсатиб келаётган тижорат банкларига мурожаат этиш лозим.

Бу кредит Олий таълим муассасаларининг кундузги бўлимларига тўлов-контракт асосида қабул қилинган Ўзбекистон фуқароси бўлган талабаларнинг ўқиши учун, ўқиш даври ҳисобга олинган ҳолда, бакалавриатга ўқишга қабул қилинган талабаларга 10 йилгача, магистратурага ўқишга қабул қилинган талабаларга 5 йилгача бўлган муддатга берилади.

Бунда:

чин етимларга, «Меҳрибонлик уйлари»да тарбияланганларга ҳамда болаликдан I ва II гуруҳ ногиронларига ноль фоиз ставкаси;

талабаларнинг қолган тоифаларига Ўзбекистон Марказий банкининг амалдаги қайта молиялаш ставкасидан юқори бўлмаган ўзгарувчи фоиз ставкалари белгиланади.

Таълим кредитлари бўйича фоиз ставкаси ва тижорат банклари томонидан қўшиладиган фоизлар учун тўловлар миқдори Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси ўзгаришига қараб ўзгариши мумкин, бу кредит шартномасида қайд этилиши керак.

Кам таъминланган оилалардан бўлган талабалар учун кредит бўйича қўшилган фоизларнинг 50 фоизи меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш туман бўлимлари томонидан Иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағларидан тўланади.

Бундай имтиёзга бўлган ҳуқуқ кам таъминланган оилаларни ҳисобга олиш ва уларга моддий ёрдам тайинлаш ва беришнинг амалдаги тартибига мувофиқ фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан аниқланади.

Таълим кредитини олиш учун қарз олувчи тижорат банкига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этди:

а) таълим кредити бериш тўғрисидаги ариза;

б) талаба ва олий таълим муассасаси ўртасидаги тўлов-контракт асосида ўқиш ҳақида белгиланган тартибда расмийлаштирилган шартнома (контракт). Контрактда ўқишнинг белгиланган муддати ва бир йил учун тўлов миқдори кўрсатилган бўлиши лозим. Ўқиш учун тўлов миқдори кейинги йилларда ўзгарган ҳолларда контрактларга тегишли ўзгартиришлар киритилади, бу ҳақда олий таълим муассасаси ўн кун муддатда банкка ёзма равишда маълум қилади, сўнгра қарз олувчи, банк ва олий таълим муассасаси ўртасидаги кредит шартномасига зарур ўзгартиришлар киритилади;

в) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари томонидан қарз олувчининг яшаш жойи тўғрисида берилган маълумотнома;

г) кредитни қайтаришнинг таъминланиши тўғрисида ҳужжат;

д) имтиёзли таълим кредитлари олиш ҳуқуқига эга бўлган чин етимлар, «Меҳрибонлик уйлари»да тарбияланганлар, болаликдан I ва II гуруҳ ногиронлари, кам таъминланган оилалардан чиққанлар буни тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этадилар.

Қарз олувчи юқоридаги ҳужжатларни банкка тақдим этиш билан айни бир вақтда паспортни шахсан кўрсатади. Банк паспортдан ва тақдим этилган бошқа ҳужжатлардан зарур кўчирмалар ва нусхалар олишга ҳақлидир.

Олинган кредит қайтарилмаслиги хавфининг олдини олиш мақсадида қарз олувчи қуйидаги таъминлаш шаклларидан бирини банкка тақдим этиши лозим:

мол-мулк ёки қимматли қоғозларни гаровга қўйиш;

банкнинг кафолати;

учинчи шахснинг кафиллиги;

суғурта компаниясининг қарз олувчи кредитни қайтара олмаслиги хавфи суғурта қилинганлиги тўғрисидаги суғурта полиси;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг кафиллиги (фақат чин етимлар ва «Меҳрибонлик уйлари»да тарбияланганлар, болаликдан I ва II гуруҳ ногиронлари ва кам таъминланган оилалардан чиққанлар учун).

# Пенсия бериладими?

***Биз 58 ёшдамиз. Биримизнинг 11 нафар, иккинчимизнинг эса 8 нафар фарзандимиз бор. 4-5 йил давомида пилла қурти боққанмиз. Лекин шунга қарамасдан, меҳнат стажингиз йўқ деб пенсияга чиқармаяпти. Шу тўғрими?***

**З.АЛИБОЕВА, О.МАҲКАМОВА,**
**Фориш тумани**

Пенсияга чиқиш учун бундай ҳуқуқни берувчи ҳолатларни тасдиқловчи иш стажи ва тегишли ҳужжатлар тақдим этиш зарур бўлади.

Одатда, меҳнат стажи иш, хизмат, ўқиш жойидан ёки иш стажига қўшиб ҳисобланадиган бошқа фаолият амалга оширилган жойдан ёхуд архив муассасалари томонидан берилган ҳужжатлар асосида аниқланади.

Иш вақтини ҳисобга олиб бўлмайдиган ходимларнинг меҳнат стажи Республикасининг Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўланганлиги тўғрисида ижтимоий таъминот органлари томонидан бериладиган маълумотномалар бўйича аниқланади.

Меҳнат дафтарчаси, шунингдек, ижтимоий таъминот органлари томонидан берилган суғурта бадаллари тўланганлигини тасдиқловчи маълумотномалар иш стажини тасдиқловчи асосий ҳужжатлар ҳисобланади.

Ушбу қонунда Жиноят кодексининг 186-1-моддаси матни қуйидаги таҳрирда баён этилиши кўрсатилган: «Этил спирти, алкоголли маҳсулот ва тамаки маҳсулотини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш,

— энг кам ойлик иш ҳақининг икки юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача аҳлоқ тузатиш ишлари ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади».

Шунингдек, Жиноят кодексининг ушбу моддаси иккинчи қисмида ҳам иқтисодий жазо чоралари қўлланилиши мумкинлиги ҳам белгилаб қўйилган. Мазкур модданинг тўртинчи қисми айрим қўшимчалар билан тўлдирилган, яъни эндиликда этил спирти, алкоголли маҳсулот ва тамаки маҳсулотини кўп миқдорда ёки жуда кўп миқдорда қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёхуд муомалага киритишга ҳокимият ёки мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиш йўли билан ҳомийлик қилиш етти йилдан ўн икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Бундан кўриниб турибдики, спиртли, алкоголли ва тамаки маҳсулотларини жуда кўп миқдорда ишлаб чиқариш ва муомалага киритишга ҳомийлик қиладиган нопок шахслар ҳам қонун олдида жавобгар бўладилар. Чунки ҳозирда ўзининг нафсини қондириш ноқонуний йўллар билан бойлик тўплаш илинжида юрган кимсалар ҳам йўқ эмас. Юқоридаги ўзгартиш ва қўшимчалар бундан буён жиноий йўл билан даромад топаётган шахсларни «оталиққа» олувчиларнинг пайини қирқишга хизмат қилади.

Бугуни кунда сир эмаски бозорларимизда сотувда сифатсиз, санитария талабларига жавоб бермайдиган ёғ-мой маҳсулотлари мавжуд. Кўплаб фуқароларимиз сифатсиз ёғ-мой маҳсулотларидан заҳарланиб, шифохоналарга ётқизилмоқда. Айрим ҳолларда эса бундай маҳсулотлардан заҳарланиш, ҳаттоки ўлимга олиб келган ҳолатлар ҳам учраб турибди. Шундай оқибатларга чек қўйиш мақсадида жорий этилган қонун асосида Жиноят кодекси 186-2-модда билан тўлдирилди. У «Чигитдан олинадиган маҳсулотни қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш» деб номланди. Ушбу модданинг амалда татбиқ этилиши бундан буён хонадонларда ёки яширин цехларда қўлбола мой жувозларда ўғирланган чигитдан ёғмой маҳсулотларини ишлаб чиқариб, уларни сотиш каби жиноятларга барҳам бериши муқаррар.

**Ҳусанхўжа ПЎЛАТХЎЖАЕВ,**
**Республика Бош прокуратураси**
**бошқарма катта терговчиси**

# Ҳаром луқма

Ривоят қилишларича, бир ҳомиладор аёл қўшнисининг боғидан рухсатсиз узум олиб ебди. Оқибатда дунёга келган ўғил фарзанди вояга етгач, ўғрига айланибди. Ундан кейинги авлоди эса янада жирканч ишларни содир қилибди.

Бу ҳикмат кишини ўйга толдиради. У ҳеч нарса бесабаб юз бермаслигини, тақдиримизнинг яхши ёки ёмон чизгилари ўз ҳаракатларимиз туфайли пайдо бўлишини, бурилишларни ўзимиз ясашимизни англатади. Бошқача айтганда, сабабсиз оқибат бўлмайди.

Сардор Сапаев (исмлар ўзгартирилган) 29 ёшида қора курсига ўтирди. Унга қўйилган айб ҳам кичик эмас – қотиллик. Хўш, уни муҳдиш жиноятга бошлаган нарса нима? Энг гуллаган ёшлик чоғида, икки фарзандининг тақдирига бефарқ бўлмай, уларнинг келажаги учун пойдевор ўрнатиши керак бўлган паллада, нега жиноят кўчасида юрибди?

Сардорни қариндош-уруғ, ёрдўстлари ҳурмат қиларди. Дилкаш, шинаванда йигит эди. Керак пайти ёрдамини аямасди.

2004 йили қўшниси Рисолатнинг турмуши бузилиб, онасиникига қайтиб келди-ю, унинг тақдир йўллари ўзгара бошлади. Аввалига Рисолат билан шунчаки салом-алик қиладиган йигит бора-бора у билан қуюқ сўрашадиган бўлди. Рисолат ҳам уни кўрди дегунча кўзлари яшнаб кетар, Сардордан ширин сўзларини аямасди. Шу тариқа улар бир-бирларига кўнгил қўйдилар. Сардор Рисолатни деб оилали эканлигини, икки нафар фарзанди борлигини унутди.

Назарида уни қаттиқ севиб қолгандай эди. Уни ҳам ўз аёлидек қараб, моддий жиҳатдан қўллаб-қувватларди. Рисолатнинг фарзандидан ҳам ёрдамини аямасди.

Бу гап-сўзлар тез орада элга ошкор бўлди. Сардор билан Рисолатнинг оналари ҳам улар орасидаги муносабатдан хабар топди. Онаси Сардорни Рисолатдан совутиш учун кўп уринди. Икки фарзанди ҳурмати, ёмон йўлга юрмасликка ундади. Оилага хиёнат қилишнинг оқибати ёмон бўлиши ҳақида кўп уқтирди. Аммо Сардор онасининг бу нолаларини тинглашни истамасди.

— Опа, мен ҳеч қандай ёмон иш қилаётганим йўқ, қўрқманг, оилам билан ажрашмайман, болаларимни ташлаб қўймайман, – дерди у.

Онаси ҳаром луқма ош бўлмаслигига ишора қилаётганини Сардор тушунмасди.

Рисолатлар оилада уч қиз, бир ўғил эди. Онаси турмушидан ажрашган, уларни ёлғиз тарбиялаган. Рисолат ҳам йигирма икки ёшида бир фарзанди билан эрдан ажрашди. Фазилат синглиси турмушга чиқишни истамасди. Оилали эркак билан топишиб олди. Кенжа синглиси эса тўйларда ўйинчилик қилиш учун Тошкентга кетди.

Оиладаги бу пароканда муҳит уни ҳаромдан ҳазар қилмасликка, йўлини топиб, яхши яшашга ундарди. Шундай шароитда унинг учун Сардорнинг муносабати айни муддао эди. У Сардор билан уч йил давомида синглиси Фазилатнинг номида бўлган уйда учрашиб келди. Кейинги йилларда Сардор анчайин ўзгариб қолганди. Бўлар-бўлмасга Рисолатни рашк қилар, салга ундан шубҳаланарди. Бу шубҳа гумонлар, рашк натижасида жанжаллар келиб чиқа бошлади.

Навбатдаги шундай жанжал 2007 йил 21 январь кунги учрашув чоғида рўй берди. Сардор Фазилатнинг уйи деразасидан кўп қаватли уй ҳовлисини кузатиб тураркан, «Тико» русумли такси машинасидан ёш йигитнинг тушганига кўзи тушди. Назарида йигит улар турган квартира йўлагига кириб кетгандай бўлди. Зум ўтмай эшик қўнғироғи жиринглади. Эшикни очган Рисолат келган одам билан нималарнидир гаплашиб, қайтариб юборди. Бу Сардорнинг рашкини алангалатди.

— У ким? – сўроққа тутди у.

— Билмасам, — елка қисди Рисолат.

Бу жавоб Сардорнинг ичига чўғ солди.

— Ўйнашинг у, шундайми?

— Қўйсангиз-а, менинг сиздан бошқа ўйнашим йўқ.

Сардор бу гапга ишонмади. Рисолатнинг юзига тарсаки тортди. Бошқа жойларига ҳам мушт туширди. Рисолат «унга содиқ»лиги ҳақида йиғлаб қасам ичавергач, бироз жаҳлдан тушди ва ундан кечирим сўради.

— Нима қилай, сени яхши кўраман, рашк қиламан, – ўзини оқлади у.

Ярашиб олишгач, Сардор ўзининг «Дамас» автомашинасида Рисолатни кузатиб қўйди.

Орадан икки кун ўтиб, бозорчи танишлари билан учрашиб қолди. Улар билан бирга балиқхўрлик қилди, қиттай-қиттай отди. Бадани қизигач, кўнгли яна Рисолатни тусади. Унга қўнғироқ қилиб, яна учрашувга таклиф қилди.

Соат ўн олтиларда одатдагидек Фазилатникида учрашдилар. Уй телефонининг икки-уч марта жиринглаши, уларга Рисолатнинг жавоб бериши, гоҳ индамай трубкани жойига қўйиши яна Сардорнинг рашкини қўзғатди. Жаҳл билан Рисолатнинг юзига тарсаки тортиб юборди.

Бу гал Рисолат ҳам жим турмади. Сардорни турли гаплар билан ҳақораталй бошлади. Сардорнинг жаҳли янада аланга олди. Аёлнинг юзи ва бошига бир-икки мушт туширди. Бўйнидан босди. Шу тобда Рисолат нафас олишга қийналиб қолди. Аввалига Сардор бунга эътибор бермади. Атайин, қўрқитиш учун қиляпти, деб ўйлади. Аммо қараса, Рисолатнинг ранги ўзгариб кетяпти. Сардор дарров сув келтириб унинг юзига септи, «Тез ёрдам»га қўнғироқ қилди.

Аксига олиб «тез ёрдам»чилар ҳам ёрдамга муҳтож экан. Машиналаридан биронтаси бўшаши билан етиб боришларини айтишди. Бунга сабри чидамай Сардор танишларига қўнғироқ қилиб, дўхтир топиб келишларини илтимос қилди. Рисолатнинг аҳволи оғирлашгани ҳақида Фазилатга ҳам хабар берди. Кўп ўтмай оғайниси шифокор олиб келди. Фазилат ва унинг онаси ҳам етиб келишди.

— Афсус, энди кеч, – бош чайқади шифокор.

Сардор бунга ишонмади. Аёлни вилоят шошилинч тиббий ёрдам марказига олиб борди. Аммо у ростдан ҳам кеч қолганди. Рисолат аллақачон ҳаётдан кўз юмганди.

– Мен уни яхши кўрардим, уни ўлдирмоқчи эмасдим, – йиғлади Сардор.

Бўлиши мумкин. Аммо у Рисолатни чин дилдан яхши кўрганида унга ишонган бўларди. Қолаверса, онасининг насиҳатларига қулоқ тутганида, оилага хиёнат қилишнинг оқибатлари хусусида эртароқ ўйлаб кўрганида бу кўргулик бошига тушмасди.

«Ҳаром луқма ош бўлмас», дейди халқимиз. Ҳаром-хариш, палапартиш турмуш кечиришнинг оқибати аксарият ҳолларда ана шундай фожиали якун топади.

Қилмиш-қидирмиш. Сардор Сапаев суд ҳукми билан тегишли жазога тортилди.

**Бахтиёр ЖУМАНИЁЗОВ,**
**Урганч шаҳар прокурори**

# БЕМАЪНИ ЎЙ

Орифжон Одилов билан Равшанбек Долимовлар (исмлар ўзгартирилган) девор-дармиён қўшни эди. Бир ҳафта бўлдики, улар ўртасидаги борди-келди йўқолди. Ўша кунлар Равшанбек ҳовлисидаги эски уйни бузиб, уни қайта қуриш ҳаракатига тушиб қолганди. Уйни бузаётганда қўлидан рейка сирғалиб тушиб, қўшнисининг деразасига тегиб ойнасини синдириб юборди. Шу чоқ ичкаридан Орифжоннинг хотинининг жавраган ва болаларнинг сўкинган овози эшитилди. Улар қўшнимиз деразани атайлаб синдирди деган ўйда дарров қизчаларини Равшанбекникига чиқаришди, ойнани ҳозир солиб беришсин, дейишди. Эҳтиётсизлигидан хижолат чекаётган Равшанбек шу заҳоти ваъда берди:

— Қизим, рейка қўлимдан сирғалиб чиқиб кетди. Ҳозир уст-бошларим чанг. Бозорга тушиб ойна кестириб келгунча, анча вақт кетади. Кечки пайт деразага ойна солдириб бераман.

Бу жавобдан қўшнилар қониқишмади. Ярим соат ўтмай дераза ойнасини ҳозироқ солиб берасиз, деб яна сўрашди. Бу сафар Равшанбекнинг ҳам жаҳли чиқди. У қўшниларга ҳовлим томонга қараган деразани бошқа томонга олинглар, деб неча марта айтган бўлса-да, бунга эриша олмай келаётганди.

Аслида Равшанбекнинг оиласи қўшнилари билан тотув яшаш ниятида эди. Иккала оила ўртасидаги келишмовчиликларга барҳам бериш ниятида маҳалла фуқаролар йиғинига мурожаат қилиб, «майли, бир-биримиздан кечирим сўрайлик, бизларни яраштириб қўйинглар» дейишди. Маҳалла фаоллари худди ўша, дераза ойнаси синган куни келишни режалаштириб қўйишганди.

Равшанбек хотиржам ишлай олмади. Деразанинг битта кўзи учун гап шунчалик кўпайиб кетгани ғашини келтирди. Ахир қўни-қўшничилик деразанинг битта кўзига арзимайдими? Қўшниникидан эшитилаётган ҳақоратлар унинг сабр-косасини тўлдирди, шекилли, жаҳл устида бориб, деразага тиралиб турган рейкага мушт туширди. Бу зарбдан деразанинг қолган учта кўзидаги ойналар ҳам чил-чил синиб тушди. Сачраган ойна парчаси уй бекаси Мақсудахоннинг пешонасига тегиб, кесиб юборди. Уйдагилар дарҳол «Тез ёрдам» чақиришди. Болалари Орифжонга телефон қилишди. Врачлар Мақсудахонга ёрдам бераётган чоғда Орифжон ҳам етиб келди. Мақсудахон пешонасидан қон оқа бошлаганига қўрқиб кетган эканми, ҳушидан кетиб қолди.

Орифжон буни қўшнисининг зўравонлигидан деб тушунди. Мақсудахонни шифохонага олиб кетишгач, у ғазаб билан қўшнисиникига чиқди. Равшанбек бўлиб ўтган воқеани тушунтира бошлади:

— Уйни тузатаётсам, қўлимдан рейка сирғалиб чиқиб, деразангизнинг битта кўзини синдириб қўйди. Уни солдириб бераман дедим. Бироқ айтган гапимга қаноат қилмай, уч марта одам чиқаришди, навбатма-навбат сўкинишди. Охири асабим дош бермай рейкага бир урсам, ойналар синиб, Мақсудахоннинг пешонасини тилиб юборибди. Деразанинг кўзларини солдириб бераман.

Равшанбек қўшнисининг гапини охиригача эшитмади. «Ҳали кунингни кўрсатаман» деди-да, ҳовлидан чиқиб кетди. Ана шу воқеадан кейинок Равшанбекнинг хотини Гулнорахон маҳалла фуқаролар йиғинига мурожаат қилиб, қўшнилар билан яраштириб қўйишларини сўради. Эртасига у ердан келиб, Гулнорага қўшниларникига кириб кечирим сўраб чиқинг, дейишди. Гулнорахон бўлиб ўтган ишлар учун узр сўради. Аммо қўшнилар узрни қабул қилишмади. Шундан сўнг маҳалла фуқаролар йиғини раиси Орифжоннинг хонадонига кирди:

— Айтарли хунук воқеа бўлгани йўқ. Қўшниларингиз сизлар билан ярашишмоқчи. Бир-бирларингни узрларингни қабул қилинглар. Иш чўзилиб кетмасин.

— Булар билан судда гаплашаман, — жавоб қилди Орифжон.

Шундан кейин Равшанбек маҳалла фуқаролар йиғинига бориб, Орифжонни шу ерга чақириб, оилаларни яраштириб қўйинглар, дея илтимос қилди. Раис Орифжонга телефон қилиб, «Қўшнингиз яраштириб қўйишимизни сўраяпти. Келинглар, ярашиб олинглар. Яна аввалгидек қўшничиликни давом эттиравераcизлар. Айб ҳар икки томондан ўтибди», деди.

— Уларга жавоб бериб юбораверинг, — жавоб қилди Орифжон. — Мен судда гаплашаман.

Шу куни Орифжоннинг хотини шифохонадан қайтиб бозорга чиқиб кетган эди. У маҳалла фуқаролар йиғини томонидан айтилган таклифни тўғри қабул қилганида қўни-қўшничилик тамойилларига жуда мос тушган бўларди. Ахир қўни-қўшни орасида ҳар хил гап-сўз бўлиб туриши, бир томон пастроқ келганида иккинчи томон ҳам сал юмшаб муроса йўли тутилса, жанжаллар тезда унутилиб кетиши ойдек равшан-ку. Лекин Орифжоннинг қалбига «қўшним зўравонлик қилди» деган бўлмағур тушунча маҳкам ўрнашиб қолган эди.

Орифжон орадан тўрт кун ўтса ҳам «совимади». Охири бир болани Равшанбекни чақириб чиқишга жўнатди. Равшанбек меҳмонини кузатиб, эндигина уйга қайтиб кирганди. Қўшниси чақираётганлигини эшитиб, инсофга келгандир деган умидда дарвоза олдига чиқди.

— Қўшни, гаплашиб олайлик.

Орифжон шундай деб йўл бошлади. Равшанбек индамай унга эргашди. Ёнма-ён кетишар экан, секин гап қотди:

— Аёлларнинг гапига кирмайлик, қўшни. Ўзимиз келишиб олсак, олам гулистон. Мендан нима айб ўтган бўлса, кечирим сўрайман.

Орифжон жавоб бермади. Индамай шу атрофда жойлашган болалар шифохонасининг ҳовлиси томон кетаверди. Ўзига маъқулроқ жойга келди, шекилли, ёнига ўгирилиш баробарида чўнтагидан рўзғор пичоғини олиб, қўшнисининг қорнига урди. Равшанбек буни кутмаган эди. Орифжон яна уч марта унинг қорнига пичоқ уриб, ерга қулатди-да, тезда жуфтакни ростлади. Худди шу пайтда Орифжоннинг акаси Абдурахим бўлиб ўтган жанжаллардан хабар топиб, уларни яраштириб қўйиш мақсадида келаётган экан. Рўпарасидан кийимларига қон сачраган укаси чиқиб қолди.

— Нега кийимларинг доғ? Рангинг ҳам оқариб кетибди.

— Равшанбек билан орани очиқ қилиб олдим, — жавоб қилди у. — Уни пичоқлаб қўйдим.

Абдурахим укасини машинага чиқариб, уйига олиб кетди. Бу орада фожеадан хабар топган оиласи ва қўшнилар Равшанбекни шифохонага элтишга шошилишди. Афсуски, йўлда Равшанбекнинг жони узилди.

Деразанинг битта кўзи синганидан бошланган жанжал зўрайиб, икки оилага фожеа келтирди. Равшанбекнинг ҳеч нафар фарзанди ўша хосиятсиз дераза туфайли отасиз қолди. Бундай жиноят учун албатта Орифжон ҳам жазосиз қолмайди. Аммо унинг олти нафар фарзанди-чи? У илгари ҳам бир бор қамоқхонанинг тузини тотиб чиққанди. Афсуски, ўша жазо унга сабоқ бўлмаган экан.

Халқимиз: «Ён қўшнинг, жон қўшнинг» дейди. Улар майда гапларга берилмай, бир-бирига қанчалик иззат сақласалар, хонадонларда шунчалик тинчлик-омонлик давом этади.

Шу ўринда ўйлаб кўрайлик: Битта дераза ойнаси бир инсоннинг умрига арзийдими? Орифжон қўшнисидан ўч олиб нимага эришди?

Шундай экан, қўни-қўшнилар бир-бирларига нисбатан кечиримли бўлишлари, ўйлаб иш тутишлари керак. Ана шунда доноларимиз айтгандай, билаги кучли зўр эмас, балки ақлни ишлата олган ва жаҳлини боса олган одамгина зўрдир. Демак, юзта имкониятдан яраштиш учун биттагина йўл қолган тақдирда ҳам ана шу йўлга амал қилмоқлик маъқулроқдир.

**Комилжон ДАВЛАТОВ,**
**Андижон шаҳар прокуратурасининг катта терговчиси**

## Нега бўшади экан?

«РИА новости» ахборот агентлигининг хабар беришича, Туркманистон президентининг хавфсизлик хизмати бошлиғи Акмурад Реджепов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан ўз лавозимидан озод этилган. Бироқ унинг янги иш жойи хусусида ҳеч бир маълумот берилмаган. Собиқ Иттифоқ Давлат Хавфсизлиги Қўмитасининг Олий мактабини тамомлаган Акмурад Реджепов Туркманистон собиқ раҳбари Сапармурат Ниязовнинг хавфсизлик хизматига 1990 йилда раҳбар этиб тайинланган эди. Ушбу лавозимда бўлганида на ҳукумат алмашинувидаги ва на ҳуқуқ-тартибот органлари ичида рўй берган ўзгаришлар унга таъсирини кўрсатмаган. Мутахассислар Реджеповни Туркманистонда президентдан кейинги иккинчи одам деб ҳисоблашган. 2006 йилнинг декабрида Ниязовнинг вафотидан сўнг кўплар уни президентликка биринчи номзод дея эътироф этишганди. Бироқ 2007 йилнинг февралида Туркманистоннинг янги президенти этиб собиқ соғлиқни сақлаш вазири Гурбангули Бердимуҳамедов сайланди.

## Янги тарафдорларни излаб

Белорус мухолифатчилари етакчиси Александр Миленкевич Буюкбритания лейбористлар партиясининг ташқи ишлар бўйича комиссияси раҳбари Эрик Жойс билан музокаралар ўтказди. Музокараларда Миленкевич Жойсга Бирлашган қироллиқда белорус мухолифатчиларини қизиқтирган масалаларни билдиришни таклиф қилди. «Telegraf.by» ахборот агентлигининг хабар беришича, учрашув чоғида томонлар фуқаролик ҳамжамияти, белорус оммавий ахборот воситалари ва судланган мухолифатчилар масалалари борасида ҳам фикр алмашганлар.

Шунингдек, Миленкевич Лондонда яна ОАВ эркинлигини ҳимоя қилиш бўйича «Article 19» халқаро ташкилот раҳбарияти билан ҳам музокаралар ўтказди. Унда Белорусдаги ОАВларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳамкорликда тайёрланиши мумкин бўлган теле-радио ва босма матбуот дастурлари борасида фикр алмашилди. Ташриф чоғида Белорус мухолифатчиси «Amnesty International» халқаро ҳуқуқларни ҳимоя қилувчи ташкилот вакиллари билан ҳам музокаралар ўтказди. Миленкевичнинг Буюкбританияга ташрифи тўрт кун давом этади. Шу орада у бу ерда яшаб келаётган белоруслар билан ҳам учрашади.

## Музокаралар давом этади

**Москвага қилган ташрифи чоғида АҚШ давлат котиби Кондолиза Райс Россия ташқи ишлар вазири Сергей Лавров билан музокаралар ўтказди. «РИА новости» ахборот агентлигининг хабар беришича, томонлар қатор масалаларда якдилликка эришишган, бироқ ракеталарга қарши мудофаа тизимини жойлаштириш борасида томонлар ўртасида ҳамон жиддий келишмовчиликлар мавжуд.**

**Эслатиб ўтамиз, АҚШ Польша ва Чехияда ўзининг ракеталарга қарши мудофаа тизими қисмларини жойлаштирмоқчи, буни улар Эрон ҳамда Шимолий Корея баллистик ракеталаридан ҳимояланиш учун зарур деган важ билан изоҳлашмоқда. Россия эса бунга қаршилик қилиб, агарда бир фикрга келишилмаса, қарши чора кўришини ҳам маълум қилаяпти. Лавров билан бўлиб ўтган музокаралардан сўнг ўтказилган матбуот анжуманида Райс хоним АҚШ юқорида айтиб ўтилган режасидан қайтмаслигини билдирди. Шундай бўлса-да, ракеталарга қарши мудофаа тизимини жойлаштириш борасидаги музокаралар яна давом эттирилади. Россия ҳамда АҚШ ҳукуматлари жорий йилнинг кузида Москвада айни шу масалада «иккига икки» шаклида музокараларни ўтказишга келишиб олдилар. Унда томонларнинг мудофаа ва ташқи ишлар вазирлари учрашадилар.**

## Кимошди ғолиби

**«Коммерсант» газетасида ёзилишича, якинда «ЮКОС» компаниясининг биносини сотиб олган «Прана» МЧЖ ҳамда «Газпром» компанияси ўртасида алоқадорлик бор экан. Чоршанба куни газетада чоп этилган журналист суриштирувида айрим далиллар келтирилган. Уларга кўра, «Прана» раҳбари Владимир Есаков газ холдинги билан боғлиқ тизимни ҳам бошқараркан. Жаноб Есаков «Катарон» МЧЖ ҳамда «Цитадель Эссет Менежмент» МЧЖларга ҳам бошчилик қилади. Ўз навбатида «Цитадель Эссет Менежмент» МЧЖ тўғридан-тўғри «Газпром» компанияси билан боғликдир. Нашрнинг ёзишича, «Цитадель Эссет Менежмент» МЧЖ «Форпост-Менежмент» ёпиқ акциядорлик жамиятининг акцияларига эгалик қилади. Таъкидлаш жоизки, «Форпост-Менежмент» ёпиқ акциядорлик жамияти расман ўзини «Газпромбанк» бошчилигидаги инвесторлар консорциуми деб эълон қилган «Бирлашган машинасозлик заводлар» очиқ акциядорлик жамияти эгалари томонидан оммага таништирилган. Бироқ «Газпром» ва «Газпромбанк» вакиллари на жаноб Есаковга, на «Прана» МЧЖга алоқалари йўқлигини билдирдилар. Айтиш жоизки, «ЮКОС» компаниясининг Москванинг Дубининская кўчасида жойлашган марказий офиси бир нечта бошқарув тизимлари билан бирга «Прана» МЧЖ томонидан 100,9 миллиард долларга сотиб олинган. Мутахассисларнинг фикрига кўра, «Прана» ушбу мулкга эгалик қилиш ҳуқуқини қўлга киритиш учун бозор нархидан бир неча баравар кўпроқ маблағ ишлатиб ким-ошди савдосида «Роснефть» компанияси устидан ғалаба қозонган.**

## Янги ҳукумат

Сешанбадан чоршанбага ўтар кечаси Сербия парламенти мамлакат ҳукуматининг янги таркибини маъқуллади. «AFP» ахборот агентлигининг хабар беришича, парламент қонунда белгиланган муддат тугашига бир неча дақиқа қолганида 133 овоз билан ушбу қарорни қабул қилди. Ушбу қарорга 106 та депутат қарши чиқди. Воислав Коштуница ҳукумат раҳбари лавозимини эгаллади. Ташқи ишлар вазири лавозимини Вук Еремич, мудофаа вазири лавозимини эса Драган Шутановац эгаллади. Бу икки номзод демократик партия вакили, президент Борис Тадичнинг тарафдорларидир. Сербиянинг Косово ўлкаси мақоми борасида халқаро музокараларда иштирок этувчи вакили Слободан Самарджич Косово ишлари бўйича вазир этиб тайинланди. Эслатиш жоизки, янги ҳукуматни тузган коалицияга 2007 йилнинг январида бўлиб ўтган сайловларда ғалаба қозонган, бироқ парламентда ўз тарафдорларини тўплай олмаган Воислав Шешелнинг «Сербия радикал партияси» кирмаган.

## ТЕЗКОР ПОЛИЦИЯЧИЛАР

**15 май куни Италиянинг Алессандрия шаҳри полициячилари номаълум шахснинг телефон кўнғироғи туфайли оёққа турдилар. «ANSA» ахборот агентлигининг хабар беришича, номаълум шахс қўнғироқ орқали полициячиларга учта қуролланган жиноятчи йўловчилар тўла автобусни гаровга олганлигини айтган. Генуядан Волтри-Семпионе шаҳрига олиб борувчи автомагистралда бир нечта блок-постлар ташкил этилган. Зудлик билан кўрилган чора-тадбирлар натижасида гаровдагилар озод қилинган, бир нафар полициячи яраланган. Тўппончалар билан қуролланган жиноятчилар эса автобусни ёқиб юбориб, воқеа жойидан қочишга уринишган. Бироқ полициячиларнинг тезкор саъй-ҳаракатлари туфайли улар ҳибсга олинган. Дастлабки маълумотларга кўра, уларнинг барчаси шимолий Африка вакилларидир.**

## ҚУРБОНЛАР СОНИ ОРТМОҚДА

«Хамас» ташкилоти жангарилари «Фатх» ҳаракатининг хавфсизлик хизмати ходими Рашид Абу Шбак хонадонига қуролли ҳужум уюштирдилар. «AFP» ахборот агентлигининг хабар беришича, юзага келган қуролли тўқнашув оқибатида Шбакнинг тўрт нафар тансоқчиси ўлдирилган. Таъкидлаш жоизки, ушбу ҳужумдан бироз муддат аввал Фаластин мухторияти раҳбари Маҳмуд Аббос маъмурияти биноси ёнида иккита террористик портлаш амалга оширилганди. Шунингдек, сешанбадан чоршанбага ўтар кечаси ўзаро низолашаётган фаластин партиялари ўртасида эълон қилинган яраши баёнотига риоя этилишини назорат қилиб турган мисрлик дипломатга ҳам ҳужум уюштирилган. Дипломатга тан жароҳатлари етказилган, лекин кейинчалик унинг соғлиги тўғрисида маълумот берилмаган. Умуман олганда, Ғазо секторида сешанбадан чоршанбага ўтар кечаси рўй берган тўқнашувларда 16 киши ҳалок бўлган. 5 кун ичида ўзаро тўқнашувларда қурбон бўлганлар сони 29 тага етди.

Сешанба куни Исроил мудофаа армияси вертолётлари Ғазо секторида жойлашган ҳудудга ракета зарбалари бердилар, деб хабар қилади «Yediot Ahronot» ахборот агентлиги. Зарбалардан мақсад ушбу ҳудудда жойлаштирилган фаластинликларнинг «Кассам» ракеталарини учирувчи мосламаларини йўқ қилиш бўлган. Исроил ҳарбийларининг маълумотларида айтилишича, айни шу мосламалар ёрдамида сешанба куни Исроилнинг Сдерот шаҳри бомбардимон қилинган. Мазкур бомбардимонлар натижасида Сдеротда икки киши, 45 ёшли аёл ҳамда унинг ўғли тан жароҳати олган, бир қатор бино ва иншоотлар вайрон бўлган, улар орасида ўрта мактаб ва савдо маркази ҳам бор. Мазкур зарбалар учун жавобгарликни «Хамас» ташкилотининг ҳарбий қаноти бўлмиш «Изеддин ал-Кассам бригадаси» ўз зиммасига олган.

## Қарор бекор бўлди

Украина президенти Виктор Юшенконинг мамлакат Конституциявий суди судялари Сюзанна Станик ҳамда Валерий Пшеничнийни лавозимларидан озод қилиш ҳақидаги қарори ижроси суд томонидан тўхтатиб қўйилди. «Украинская правда» газетасида ёзилишича, Станик билан Пшеничнийлар адлия вазирлигидан Конституциявий суддаги меҳнат фаолиятини давом эттиришга рухсат берувчи ижро варақаларини олганлар.

Сюзанна Станик ҳамда Валерий Пшеничнийларни ишдан бўшатиш ҳақидаги президент қарорлари 30 апрель ва 1 май куни имзоланган бўлиб, улар қасамёдни бузганлик учун деган изоҳ билан ўз лавозимларидан озод қилинган эди. Ушанда Конституциявий суд судялари Украина президентининг парламентни тарқатиб юбориш ҳақидаги қарори мамлакат Конституциясига мослиги борасидаги ишни кўриб чиқишда хато ва камчиликларга йўл қўйган деган хабарлар тарқатилганди.

Станик ва Пшеничний ўзларининг ишдан бўшатилиши ноқонуний эканлигини таъкидлаб, Украина Бош прокуратурасига ариза билан мурожаат қилишган.

## 2 млн. доллар рад этилди

**Рига ҳудудий суди жорий йилнинг март ойида молиявий жиноятларни содир этганликда гумон қилиниб қамоққа олинган Вентспилс шаҳри мэри Айвар Лембергсга белгиланган эҳтиёт чорасини ўзгартиришни рад этди. «Novonews» ахборот агентлигининг маълум қилишича, Лембергснинг адвокатлари судга мурожаат қилиб, гаровни қўллаб унинг эҳтиёт чорасини ўзгартиришни сўрашган, гаров миқдори эса бир миллион лат (икки миллион АҚШ доллари) сифатида кўрсатилган. Шу ўринда таъкидлаш керакки, адвокатларнинг айтишича, гаров пулини гумон қилинувчи ўз чўнтагидан тўламайди, аксинча унинг ўрнига жамиятда анча таниқли бўлган кишилар маблағ ажратишга тайёр эканликларини билдиришган. Бироқ даъво рад этилди. Прокурор Кришьянс Рудзитиснинг гапига қараганда, озодликда бўлганда Вентспилс мэри тергов жараёнига тўсқинлик қилиши мумкин. Лембергснинг ўзи эса суд жараёнида тўрт соат давомида нутқ сўзлаган. У ўзига нисбатан қўйилган барча айбловларни рад этиб, тергов усулларини кескин танқид қилди ва ҳуқуқлари поймол этилаётганини таъкидлади. Аввалги суд жараёнларида бўлганидек, мэр тарафдорлари суд биноси олдида норозилик намойишини уюштирдилар. Эслатиб ўтиш жоизки, Айвар Лембергс пораҳўрликда, ўз мулки ҳақида маълумотларни яширганликда ва жиноий йўл билан топилган даромадларни легаллаштиришда айбланмоқда. Прокуратура вакилларининг маълумотларига кўра, мазкур ноқонуний даромадлар миқдори 10 миллион латни (19,2 миллион АҚШ долларини) ташкил этади.**

«Internet» хабарлари асосида Д.ЭШМУРОДОВ тайёрлади

Huquq yuridik gazeta

Ta'sischi: O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir: Jahongir MAKSUMOV

Tahrir hay'ati: Yusupboy G'OIPOV, Bahriddin VALIYEV, Baxtiyor NAZAROV (Bosh muharrir o'rinbosari), Svetlana ORTIQOVA, Tohir MALIK, Sherzodxon QUDRATXO'JAYEV, Fozil MAMASHARIPOV (mas'ul kotib)

Tahririyat manzili: Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 133-98-82, 133-10-53.
E-mail: huquq97@mail.ru
Faks: 133-64-85, 133-10-53.

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariga qaytarilmaydi. Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «HUQUQ»dan olinganligi ko'rsatilishi shart. Tijorat ahamiyatiga molik materiallar ** belgisi ostida chop etiladi.

Buyurtma Г — 455. 19 788 nusxada bosildi. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Navbatchi muharrir: Y.PARDAYEV
Musahhih: A.MUSTAFOYEVA

Gazeta «Sharq» NMK bosmaxonasida ofset usulida chop etildi. Korxona manzili: Toshkent shahar, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.

Sotuvda erkin narxda

Gazeta O`zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 0188-raqam bilan ro`yxatga olingan. Nashr ko`rsatkichi — 231

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 20.00. Topshirildi: 21.00 1 345678

# ЭФИРДА «ҲИМОЯ»

– Товарнинг умумий қиймати қанча?

– 120 миллион.

–Нима учун товарларни қонуний йўл билан олиб кирмаяпсиз?

– Улардан солиқ олинади-да.

– Хўш, сиз тўлаган солиққаерга кетади?

– ...

– Ота-онангиз пенсия оладими, уйингизга «Тез ёрдам» чақирасизми, фарзандингиз мактабда бепул таълим оладими? Юрт тинч, тўй қиласиз, байрам қиласиз. Сиз тўлайдиган солиқ ўзингиз ва фарзандларингиз учун кераклигини биласизми?

– Кўпроқ фойда олмоқчи бўлган эдим...

Бу каби савол-жавоблар одамларнинг соғлиғи, келажагига хавф солувчи фаолият билан шуғулланаётган кимсаларнинг кирдикорлари очиб ташланди. Кўрсатувларнинг аксарияти тезкор рейдлар билан боғлиқ. Муаллиф ва ижодий гуруҳ гоҳида яширин цехлар, омборхоналарга кириб боришади. Жиноятчиларни воқеа жойида тасвирга тушириш учун вақт-бемаҳал ишга отланишади. Бугун биз мазкур кўрсатув ижодкорларининг иш жараёни ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз.

**Гулчеҳра РАЗЗОҚОВА – департамент матбуот гуруҳи катта инспектори, кўрсатув муаллифи:**

*—Телевиденениинг таъсирчан кучидан фойдаланган ҳолда жамиятда ҳуқуқий маданиятни шакллантиришга ўз ҳиссамизни қўшишга ҳаракат қиляпмиз. Кўрсатувни тайёрлашни бошлаган вақтимда тадбиркорлиқ ниқобидаги шахсларнинг фаолияти ҳақидаги лавҳалардан кейин «ҳам мол-мулкимдан, тулимдан ажраладим, ҳам менга нисбатан жиноят иши қўзғатилди, сен мени таниш билишлар, маҳалла-кўй олдида обрўйимни тўкдинг, ҳали кўрасан!» таҳлит таҳдидлардан кейин фарзандимни ўйлаб иккиланиб қолган пайтларим ҳам бўлган. Лекин иш фаолиятимиз туфайли юзлаб инсонларнинг умрига хавф солувчи озиқ-овқат ва дори воситаларининг бартараф этилгани, давлатдан бекитилган солиқларнинг қайтарилиши, мансабини суиистъмол қилиб тадбиркорлар фаолиятига тўсиқ бўлаётган раҳбарларнинг кирдикорларига чек қўйилаётганини кўриб ишлашга ўзимда яна куч топганман.*

*Тезкор рейдлар вақтида сифати истеъмол учун умуман яроқсиз бўлган алкоголь ичимликлари, айниқса, қон томирлари орқали юборилганда инсон умрига зомин бўлиши мумкин бўлган фармацевтика маҳсулотлари савдоси билан шуғулланиб, қилмиши фош бўлгач турли баҳоналар билан ўзини оқлашга уринаётган фирибгарларнинг кўз ёши-ю, таваллоларига «кўзимиз пишиб» кетди. Ҳар галги кўрсатув съёмкасидан кейин уйга қайтаётиб, ёшлигимда эшитган бир ривоят ёдимга келаверади: Бир хасис киши гадога заҳар қўшилган нон беради. Гадо унинг уйидан узоқлашаётганда бир болакай ундан нон сўрайди. Ҳеч нарсадан хабари йўқ гадо нонни болакайга илинади... Хасис отанинг аҳи оламни бузган экан.*

*Аҳолининг ҳуқуқий маданиятининг шаклланиши жамият ривожига туртки бўлади. Шунинг учун ҳам ўзўзини бошқариш органлари, маҳаллакўй ноқонуний фаолият билан шуғулланаётган кимсалар ҳақида вақтида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни хабардор этишса кўплаб нохуш ҳолатларнинг олди олинган бўлар эди. Кўрсатувимиздан кимлардир ўзига керакли хулосани чиқариб олса, демак мақсадимизга эришяпмиз.*

**Абдураҳмон АРИПОВ – режиссёр:**

*Кўплаб кўрсатувлар монтажида қатнашмасам-да «Ҳимоя»га келганда ўзимда анчайин масъулият сезаман. Муаллиф Г.Раззоқованинг матнига мос кадрларни топишда эътиборли бўлишга ҳаракат қиламан. Бир шахсни жиноятчи деб кўрсатиш учун қонуний асоснинг мавжудлиги, жиноят аломатларини кадрда акс эттириш учун ҳамжиҳатликда иш олиб борамиз. Кўрсатувни тайёрлаш жараёнида ўзимиз ҳис қилган, бизни-да ўйлантирган, мушоҳадага чорлаган жиноий ҳаракатларнинг олдини олиш мақсадида томошабинларга таъсирчан ва тушунарли лавҳаларни тайёрлашга ҳаракат қиляпмиз.*

*Тасвир ишончли ва аниқ бўлиши лозим. Дейлик, сўз қалбаки ҳужжат тайёрловчи жиноятчилар ҳақида борянти. Тасвирда асл нусха билан қалбакиси ўртасидаги фарқ яққол сезилиб туриши керак. Департамент ходимлари ёрдамида далилларни аниқлаштириб, экранда фактларни тўлақонли кўрсатишга ҳаракат қиламиз. Токи томошабин лавҳаларни бефарқ кузатмасин.*

* * *

Қонун унга бўйсунганларнигина ҳимоя қилади. Бу кўрсатув ижодкорларининг доимий шиори. Шунинг учун ҳам кўрсатувда солиқ тўлашдан бўйин товлаётган, пул маблағларини банкдан ташқари ноқонуний айлантириш билан шуғулланаётган субъектларга нисбатан кўрилаётган чоралар, республикамизга контрабанда йўли билан олиб кирилаётган товар-моддий бойликлари, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш шаҳобчаларидаги тартибсизликлар, банк, корхона, ташкилот ва идоралари раҳбарлари томонидан қасддан қонунбузилиш ҳолатларини содир этиш ва уларга кўрилаётган чоралар, қишлоқ хўжалиги корхоналари, фермер хўжаликлари ва тайёрлов идоралари томонидан иқтисодий йўналишда йўл қўйилаётган қонунбузарликларни аниқлаш ва бартараф этишда департамент органлари томонидан олиб борилаётган ишлар атрофлича таҳлил қилиб борилмоқда. Ана шу фаолиятни эфир орқали ёритиш ва қонунбузарлик ҳаракатларидан томошабинларни огоҳ этишга ижодий гуруҳ бел боғлаган.

**Дилшод БЎРИЕВ, «Toshkent» телерадиоканалининг бош мутахассиси**

***Суратда:*** *Ижодий гуруҳ иш устида.*

«Toshkent» телерадиоканалидаги «Ҳимоя» кўрсатувида тез-тез тилга олинади. Кўрсатув Республика Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятлар ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти билан ҳамкорликда тайёрланиб, аҳолининг, ўрта ва кичик бизнес вакилларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, солиқ ва валютага оид жиноятлар ва умуман, иқтисодий жиноятчиликнинг олдини олиш мавзуларини қамраб олади. Ўтган давр мобайнида унда республикамиз ҳудудига ноқонуний равишда олиб кирилаётган истеъмол ва маиший товарлар, инсонлар соғлиғига хавф солувчи қалбаки дори-дармон воситалари, қўлбола усулда тайёрланган спиртли ичимликлар, шунингдек, юртимиздан ноқонуний тарзда олиб чиқиб кетилаётган товарлар билан боғлиқ жиноятлар тафсилотлари бериб борилди. Мўмай пул дардида

---

*Тўйхат ўрнида*

## МЕҲНАТ БИЛАН УЛУҒДИР ИНСОН

Прокуратура идораларида қарийб 20 йилга яқин фаолият кўрсатган Надежда Константиновна Ядвиршис шу кунларда 60 ёшни қаршиламоқда. Чирчиқ шаҳар прокурорининг ёрдамчиси, Тошкент вилоят прокуратурасининг тергов бошқармаси прокурори лавозимидан Республика Бош прокуратураси вояга етмаганлар ҳақидаги қонунларни ижро этиш устидан назорат бўлими прокуроригача бўлган йўлни босиб ўтган бу аёлни кўпчилик ҳурмат билан тилга олади.

Меҳнат фаолиятини Чирчиқ электрохимия комбинатида лаборантликдан бошлаган даврида ёқ Надежда опа ҳуқуқшунос бўлишни орзу қилган эди. Тиришқоқлиги ва олдига қўйган мақсад сари интилиши туфайли 1974 йилда Тошкент Давлат университетининг ҳуқуқшунослик факультетини муваффақиятли тамомлаган. Ҳуқуқшунослик соҳасидаги фаолиятини Жиззах вилояти касаба уюшмасининг юридик маслаҳатхонаси раҳбарлигидан бошлайди. Шижоати ва меҳнатсеварлиги туфайли 1979 йилдан бошлаб прокуратура идораларида иш фаолиятини давом эттирди.

Надежда Ядвиршис қаерда ишламасин фидойилиги, меҳнатсеварлиги ва инсоний фазилатлари билан ҳамкасблари ҳамда жамоатчилик орасида ҳурмат қозониб келди.

Ҳурматли Надежда Ядвиршис! Прокуратура тизимидаги самарали меҳнатингиз бундан кейин ҳам қадрланади. Сизга ва оила аъзоларингизга мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр, хонадонингизга тинчлик ва осойишталик тилаймиз. Фарзандларингиз ва дўстларингиз бахтига соғ-саломат бўлинг!

**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ва фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази**

---

## «МУСТАҚИЛЛИК ҲУҚУҚ ДЕМАКДИР»

### танловига марҳамат

Мустақилликнинг ўн олти йиллигига бағишлаб Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси муассислигидаги «Huquq» газетаси таҳририяти кўрик-танлов эълон қилади.

Ватанимиз мустақиллигининг ўн олти йиллиги олдидан Республика Бош прокуратураси ва бошқа ҳуқуқ-тартибот органларининг ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш, қонунийликни таъминлаш ва аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш Миллий дастуридан келиб чиқадиган вазифаларни бажариш йўлидаги фаолияти ёрқин акс эттирилган, мустақиллик туфайли мамлакатимизда юз бераётган буюк ўзгаришлар замондошлар онгида, руҳиятида, қалбида ва қиёфасидаги янгиланиш, она-Ватанга садоқат ва муҳаббат, миллий ғурур ва инсоний қадриятлар улуғланган энг яхши очерклар, мақолалар, репортажлар, суҳбатлар, фото-лавҳалар ва бошқа жанрдаги материаллар ижодкорларини, прокуратура ва ҳуқуқ-тартибот органларининг ҳуқуқий тарбия ишида фаол қатнашувчи ходимларини, барча қаламкаш дўстларни кўрик-танловда қатнашишга таклиф этамиз.

**КЎРИК-ТАНЛОВ ЎТКАЗИШ ҚОИДАЛАРИ**

Юборилаётган материаллар босма ёзувда кўчирилган бўлиши ва унда «Мустақиллик ҳуқуқ демакдир» кўрик-танловига тақдим этилаётганлиги кўрсатилиши шарт. Кўрик-танловга тақдим этилган материаллар «Huquq» газетасида чоп этилади.

Эълон қилинган материаллар ички тақриз қилиниб, хулосалар кўрик-танлов ҳайъатига тақдим этилади.

Ҳайъат хулосаси ҳал қилувчи кучга эга.

Голиблар «Huquq» газетасида, Мустақиллик куни арафасида эълон қилинади.

**ГОЛИБЛАРНИ МУКОФОТЛАШ**

«Huquq» газетасида чоп этилган энг яхши мақолалар учун учта мукофот ажратилади.

**Биринчи мукофот – *200 минг сўм;***

**Иккинчи мукофот – *150 минг сўм;***

**Учинчи мукофот – *100 минг сўм.***

Бундан ташқари, кўрик-танловнинг энг фаол иштирокчилари учун учта рағбатлантирувчи мукофотлар таъсис этилади.

Кўрик-танлов материалларини қуйидаги манзилга юборишингиз мумкин.

**Тошкент шаҳри, Яҳё Гуломов кўчаси, 66-уй, «Huquq» газетаси таҳририятига**

---

## *Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!*

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси Бош прокуратура бўлим бошлиғи Муқимбой Эгамбердиевга онаси **ЗАМИРА ая**нинг вафот этганлиги муносабати билан таъзия билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Тошкент вилоят прокуратураси жамоаси Қибрай туман прокурори Бахтиёр Пайзиевга отаси **АКРОМ ота**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси Бош прокуратура ходими **Муҳаммад АЛИЕВ**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

Республикаси Бош прокуратураси жамоаси, фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази ва Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси жамоаси прокуратура фахрийси **Кумекбай ЕСИРКЕПОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг яқинларига таъзия билдиради.